



ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИДА ХИЗМАТ ЎТАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Кулдашев Нуриддин Абдуганиевич

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
кафедра бошлиғи, ю.ф.д., профессор;

Андамуратов Фахриддин Камолитдинович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мустақил изланувчиси.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10642952>

Аннотация: Мазкур мақолада ички органларида хизмат қилиш давлат хизматининг турларидан бири эканлиги, ички ишлар органларининг ходимлари давлат хизматчилари ҳисобланиши илмий фактлар билан асослантирилиб, ички ишлар органларида хизмат ўташнинг ўзига хос хусусиятлари баён қилинган.

Таянч сўзлар: ички ишлар органлари, ички ишлар органларида хизмат ўташ, давлат хизмати, ички ишлар органлари ходими, давлат хизматчиси.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг қарийиб чорак аср мабойнида ички ишлар органларида хизмат ўташ фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида” Низом¹ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 8 январдаги 16-сонли “Ички ишлар идораларида хизмат ўташ тартиби ҳақидаги вақтинчалик Низом” асосида ҳуқуқий тартибга солинди.

Юридик ва тарих адабиётларида олимлар томонидан миллий ички ишлар органларининг вужудга келиши ва шаклланишига оид турли маълумотлар келтирилган. Масалан, Қ.Қодиров, “Ички ишлар органларининг тарихий илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Албатта, улар ўз фаолият йўналишлари жиҳатидан тўлалигича бугунги талаблар ва функцияларни ўзида мужассамлаштирмаган бўлса-да, жамият тараққиётининг турли босқичларида фаолият кўрсатиб келганлигини”² қайд этса, ички ишлар органларининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини ўрганган Н.Кулдашев, “миллий давлатчилик тарихимизда ички ишлар органлари бугунги кундагидек алоҳида ташкилот сифатида фаолият

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 25 октябрдаги 270-сон қарорига 1-ИЛОБА Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳақида НИЗОМ // URL: <https://lex.uz/acts/1033174>

² Қодиров Қ.Б. Мустақиллик даврида Ўзбекистонда ички ишлар идораларининг фаолияти. Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. ... автореф. –Т., 2019. –Б. 20.





юритмаган бўлса-да, ҳар бир даврда у ёки бу кўринишда унинг функцияларини амалга оширган давлат тузилмалари фаолият юритган. Аммо, айнан ИИОнинг Ўзбекистонда ташкилий тузилмавий жиҳатдан ташкил топиши мамлакатнинг собиқ Иттифоқ таркибида бўлган даврига тўғри келади”³ деган фикрни билдиради. Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси тарихини монографик тадқиқ қилган Б.А.Матлюбов “Ички ишлар вазирлиги тизимида таълим муассасаларининг шаклланиши ва ривожланиши ҳақида гапирганда, бир қанча тарихий босқичларни ёдда тутиш керак.

1917 йилдан 1934 йилгача бўлган даврда иттифоқ республикалари доирасида ички ишлар органлари тизими шаклланди, кейин эса ички ишлар органларини бошқариш СССР зиммасига ўтди”⁴ дейди ва муаллиф “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси тарихи 1932-йилда Ўрта Осиё ишчилар ва деҳқонлар милицияси мактабининг ташкил этилиши билан бошланган. Бунга қадар Ўзбекистонда иккита полиция мактаби фаолият юритган. Булар Самарқанд ва Қўқон мактаблари бўлиб, уларда ўрта ва катта милиция командирлари тайёрланган”⁵ деган маълумотни келтиради.

Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси (QOMUS.INFO)да “Мамлакатимизнинг ички ишлар органлари тарихини Ўрта Осиё хонликларидаги маъмурий лавозим ҳисобланган миршаблар фаолияти билан боғлаш мумкин. Ўрта Осиё Россия томонидан истило қилинган, полиция хизмати йўлга қўйилган. 1917 йил 28 октябрда, яъни Октябрь тўнтаришидан уч кун ўтгач, шўролар ҳукуматининг ваколатига биноан, Ички ишлар халқ комиссарлиги «Ишчи милицияси тўғрисида» қарор қабул қилган”лиги бўйича маълумотларни кўриш мумкин.

Албатта юқорида келтирилган манбалардаги миллий ички ишлар органларини вужудга келиши ва тарихий ривожланиш тенденцияларига оид барча маълумотлар тарихий, ҳуқуқий ва фактик асосларга эга. Бизнингча, ички ишлар органларининг вужудга келиши ҳақида сўз кетганда, мазкур давлат органининг асосий вазифаси ва ташкил қилиниш мақсадларидан келиб чиқиб фикр билдириш керак. Яъни, мазкур давлат органи қайси даврда қандай номланганлигидан қатъи назар жамият, давлат ва фуқароларнинг ҳаётини, соғлиғини, мол-мулкини ҳамда

³ Кулдашев Н.А. Ички ишлар органлари деликт муносабатлар субъекти сифатида. Юрид. фанлар док. дис... (Doctor of Science). – Т., 2021. – Б. 214.

⁴ Матлюбов Б. А. История образования и становления Академии МВД Республики Узбекистан: Монография. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2020. –С. 10.

⁵ Ўша асар. –Б. 11-12.





хавфсизлигини таъминлаш мақсадида давлат томонидан ташкил қилинганлигига эътибор бериш керак. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ички ишлар органлари давлат тузилмаси ҳисобланиб, унинг вужудга келиш даври ҳам миллий давлатчиликнинг пайдо бўлиши билан узвий боғлиқдир.

Ҳар бир даврда ва ҳар бир мамлакатда ички ишлар органларига хизматга қабул қилишнинг у ёки бу тартиби белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги ЎРҚ-407-сон қонунинг қабул қилиниши миллий ички ишлар органлари тизимида хизмат ўташнинг янги тартибини белгилаб берди. Бундан ташқари мазкур қонун туфайли меҳнат қонунчилигининг кўплаб қоидалари ички ишлар органлари ходимларига нисбатан қўлланила бошланди. Аввало, ушбу янгиликлар сифатида ички ишлар органларига ишга қабул қилиш ва хизматдан бўшатиш, интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби, ходимларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари каби масалаларда кўплаб ижобий ўзгаришлар амалга оширилганлигини таъкидлаш ўринлидир.

Мамлакатимизда ички ишлар органларида хизмат ўташга оид қонун ҳужжатларини қабул қилишнинг навбатдаги муҳим босқичи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ-3413-сон қарори билан тасдиқланган “Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги” Низомнинг амалга жорий этилиши бўлди. Ушбу норматив ҳужжат ички ишлар органларида хизмат ўташнинг деярли барча қоидаларига жиддий ўзгартириш ва қўшимчалар киритди, ички ишлар органлари ходимларининг барча тоифалари учун белгиланган ҳуқуқий мақомини меҳнат ҳуқуқларининг умумий меъёрига ва уларни амалга ошириш кафолатларига мослаштириш учун зарур бўлган ҳуқуқий асос яратди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. Мирзиёев ички ишлар органлари фаолиятини таҳлил қилар экан, “... ушбу идоралар ҳали халқчил тузилмага, фуқароларнинг чинакам ҳимоячисига айлангани йўқ”⁶, деган фикрни билдирди. Шу сабабли, ички ишлар идораларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш мақсадида ислоҳотларни изчил давом эттириш зарур деб ҳисоблаймиз. Бунда ички ишлар органларига хизматга қабул қилиш ва хизмат ўташ тартибларини замон талабларига мослаштириш, уларнинг шаффоф, очиқ ва халқчил бўлишига алоҳида

⁶ «Бу идоралар халқчил эмас» — Президент ички ишлар органлари ҳақида URL: <https://kun.uz/news/2020/01/24/bu-idoralar-xalqchil-emas-prezident-ichki-ishlar-organlari-haqida>





эътибор қаратилиши керак. Зеро, ички ишлар органларининг фаолияти уларда хизмат қилаётган ходимларнинг ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ хати-ҳаракатларида ўз ифодасини топади.

Ички ишлар органларида хизмат қилиш давлат хизматининг турларидан бири бўлиб, айна вақтда ички ишлар органларининг ходимлари давлат хизматчилари ҳисобланадилар. Миллий қонунчилигимизда “Давлат хизмати” ва “Давлат хизматчилари” тушунчаси ўз ифодасини топмаганлиги сабабли юридик адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар томонидан турли тушунчалар берилади. Масалан, В.М.Манохин “Давлат хизмати – бу давлат органларини ва бошқа ташкилотларини ташкил этиш ва ҳуқуқий тартибга солиш бўйича давлат фаолиятининг бир бўлаги ҳисобланади, далаат органлари ва ташкилотларининг фаолияти эса давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширишга қаратилади”⁷ деган фикрни айтса, Б.М.Лазарев эса, “Давлат хизмати – бу давлатга хизмат қилиш, яъни унинг талаби билан маълум бир пул мукофоти эвазига давлат органида давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга ошириш бўйича бўладиган фаолиятидир”⁸, деган таърифни билдиради. Миллий олимларимиздан Э.Т.Хожиев, Г.С.Исмаилова, М.А. Рахимова давлат хизматининг бир нечта хусусиятларини қайд этиб, “Давлат хизмати профессионал фаолият, яъни давлат хизматчисининг давлат олдида турган вазифа ва функцияларни амалга оширишга қаратилган фаолиятидир”⁹, деган таърифни айтадилар.

Бизнинг фикримизга кўра, миллий қонунчилигимизда “Давлат хизмати” ва “Давлат хизматчилари” тушунчасига ҳуқуқий таъриф берилмас экан, бу масалалар баҳсли бўлиб қолаверади. Шу мақсадда, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат хизматининг асослари тўғрисида»ги Қонунини қабул қилиниши мазкур соҳада мавжуд бўлган кўп масалаларнинг ҳуқуқий ечими топилишига хизмат қилган бўлар эди. Маълумот ўрнида Россия Федерациясининг «Россия Федерациясида давлат хизматининг асослари тўғрисида»ги Қонуни 1995 йил 5 июлда қабул қилинганлигини келтириб ўтиш жоиз бўлади.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органларида хизмат ўташнинг қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

⁷ Манохин В.М. Государственная служба. – Москва. – 1966. – С. 5.

⁸ Лазарев Б.М. Государственная служба. – Москва. – 1993. – С. 5-6.

⁹ Э.Т. Хожиев, Г.С. Исмаилова, М.А. Рахимова. Давлат хизмати: Ўқув қўлланма. – Тошкент: Baktria press, 2015. –Б. 10.





биринчидан, ички ишлар органларида хизмат қилиш давлат хизматининг турларидан бири бўлиб, ички ишлар органларининг ходимлари давлат хизматчилари ҳисобланиши;

иккинчидан, Ички ишлар вазирлигининг тегишли буйруғи билан ички ишлар органлари хизматига қабул қилиш ва хизматдан бўшатишнинг алоҳида тартиби белгиланганлиги;

учинчидан, ички ишлар органларида хизмат ўташ тартибида назарда тутилган нормаларда меҳнат қонунчилигининг умумий қоидаларига нисбатан чекинишлар ва истисноларнинг мавжудлиги;

тўртинчидан, ички ишлар органларида хизмат ўташ билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг ҳам оммавий ҳуқуқ ҳам хусусий ҳуқуқ нормалари билан тартибга солиниши.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки ички ишлар органларида хизмат ўташнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш орқали ҳуқуқни қўллаш амалиётида мазкур мураккаб ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қачон маъмурий ва қачон меҳнат ҳуқуқи нормалари қўлланилиши лозимлиги масаласини ҳал қилишга хизмат қилади.

